

Ўша тунда мен деярли ухламадим. Уйимиздаги тим қоронғи каталақдек хонамда шифтга тикилганча, кейинги икки ой ичида бўлиб ўтган воқеаларни бугун билиб олганларимга асосан қайтадан тиклашга уринардим. Барчаси ҳар тамонга сочилиб кетган парчалар аста-секин мен тушунмайдиган ғаройиб нақшга бирика бошлади.

Мен ўзимни нималар рўй бераётганини билмаган ҳолда алданган ҳафтафаҳм иштирокчидай ҳис қилардим. Трейнорлар бу ерда Уиллни турли сабзавотли таомлар билан парваришлашу, соч-соқолини олиб қўйишдек майда-чуйдалар билан у ўзини яхши ҳис қилаётганидан, хурсанд юрганимга яширинча кулишаётгандай туюлишарди. Аммо булардан энди нима маъно?

Мен ўша суҳбатни хаёлимда қайта-қайта жонлантириб, ўзимни адашаётганлигимни исботлаш учун турлича талқинлар қилиб кўрдим. Улар тилга олган жойда оғир хасталарни ўз ихтиёрлари билан ҳаётдан кўз юмишларига ёрдам кўрсатишаркан. Камилла Трейнор ўз ўғлини уларнинг қўлига топширишга ҳеч ишонгим келмасди. Ҳа, у ўта совуқ жувон, унинг ўғли билан ораларидаги муносабатлар эса жуда таранг. Бу аёл худди онам бизни қучоғида буғиб қўядигандек, маҳкам ва хуррам ҳолда қучгани каби ўғлини қучоқлашини тасаввур қилиш қийин эди. Менинг назаримда, бундай муносабатлар олий жамиятдаги меъёрий ҳолатдек эди. Аммо ўз ўғлининг ўлимига фаол ва ўз ихтиёри билан кўмаклашиб юбориш..?

Энди унинг ўзини тутишлари янада совуқ туюларди. Мен бу аёл ва Уиллдан аламзада бўла бошладим. Улар мени ўз мақсадларини хаспўшлайдиган пардасига айлантириб олишганди. Уиллни хурсанд этиш, унинг ҳаётини қандай бўлмасин бахтли ёки чидайдиган даражада ўзгартириш учун қанчалар ўйлаб, вақт ўтказганимга аламим келарди. Гоҳида аламим ачинишга айланарди. Миссис Трейнорнинг Жоржинани юпа-